



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 28
(948)
2025 йил
17 июль,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета



WSIS+20
HIGH-LEVEL EVENT 2025
7 - 11 July 2025
Geneva, Switzerland

«WSIS+20» саммити: МЕДИА САЛОҲИЯТИ ВА РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

2025-йил 7-11-июл кунлари Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтган “WSIS+20” саммитида Прогрессив ислохотлар маркази вакиллари иштирок этди. “WSIS+20” – Ахборот жамияти бўйича Бутунжаҳон саммити — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида ўтказиладиган, рақамли ривожланиш, АКТ сиёсатидаги ютуқлар ва инклюзив мулоқотни илгари суришга қаратилган глобал платформадир. 2025-йилги форум “WSIS+20” ташаббусининг 20 йиллигига бағишланган бўлиб, дунё миқёсидаги ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти, илмий доиралар ва хусусий сектор вакиллари бирлаштирди.

Мазкур саммитда илк бор Прогрессив ислохотлар маркази томонидан “Ўзбекистонда медиа ва АКТни ривожлантириш: Рақамли инклюзия ва инфратузилмани кучайтириш” мавзусида махсус панел сессияси ташкил этилди. Сессияда юртимизда рақамлаштириш соҳасидаги ютуқлар, кучли ахборот жамиятини шакллантириш ҳамда Ўзбекистоннинг бу борадаги миллий тажрибаси муҳокама қилинди. ПИМ директори Миршоҳид Асланов ва “Digital Generation Uzbekistan” координатори Уматой Юлдашева ушбу панел сессиясида ўз тақдироти билан иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда инсон манфаатларига йўналтирилган электрон бошқарув тизимини жорий этиш, рақамли хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар билан таништирилади. Аҳолининг барча қатламлари учун рақамли инфратузилманинг очиклиги ва қулайлигини таъминлаш, шунингдек, ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатловчи инклюзив ва ишончли медиа экотизимини шакллантириш йўна-

лишидаги ташаббуслар муҳокама қилинди. Шунингдек, ташаббусли бюджетлаштириш, электрон петициялар каби рақамли воситаларнинг давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги мулоқотни кучайтиришга қўшаётган ҳисаси алоҳида таъкидланди.

Прогрессив ислохотлар маркази директори Миршоҳид Асланов таъкидлашича: “Ислохотлар йўлидан кетаётган Ўзбекистон каби мамлакатлар учун фуқаролик жамиятининг глобал майдонда ўз позициясини билдира олиши ниҳоятда муҳим. “WSIS+20” сингари халқаро платформалар мустақил институтларга тажриба алмашиш, долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва рақамли ўзгаришларни шаффоф ва инклюзив тарзда олиб бориш имконини беради.”

Дурдона ШАВКАТОВА



БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

2025-йил 7-июл куни Президент томонидан иссиқхона газлари ташламаларини чеклашга қаратилган “Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”ги Қонун имзоланди.

Ушбу қонун ташламаларни тизимли равишда камайтириш, углерод мувозанатини тартибга солиш ва “яшил” ташаббусларни рағбатлантиришга қаратилган. Қонун олти ойдан кейин кучга киради.

Янги қонунда Ўзбекистоннинг миллий иқлим сиёсатининг асосий тамойиллари белгилаб қўйилган, жумладан:

- ташламалар даражасини камайтириш шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга устуворлик бериш;
- Ўзбекистоннинг иссиқхона газларини камайтириш бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш;
- ташламалар бўйича ҳисоботларнинг мажбурийлиги ва шаффофлигини таъминлаш;
- ташламаларни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришиш;
- иқлим чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда илмий ва тизимли ёндашув.

Қонун юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда жисмоний шахсларга ташламаларни камайтириш ва иқлим ўзгаришига мослашишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳуқуқини беради. Ушбу лойиҳалар орқали эришилган ташламаларни камайтириш натижалари давлат томонидан тан олинади ва миллий углерод бирликлари реестрига киритилади.

Бу “яшил” ташаббусларни ҳисобга олиш ва тасдиқлашнинг ягона очик механизминини яратади ва, айниқса, халқаро ҳамкорлик ва углерод бўйича ҳисобот бериш контекстида муҳимдир.

Вазирлар Маҳкамасига “яшил” лойиҳаларни ишлаб чиқувчилар ва ижрочиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимни ишлаб чиқиш топширилди. Хусусан, лойиҳаларни танлаш мезонлари, баҳолаш механизмлари ҳамда углерод бирликларини тасдиқлаш тартиблари тасдиқланади.

Бундан ташқари, қонунда ички бозор доирасида углерод кредитлари савдосидан тушган маблағлар иқлим ўзгаришига мослашув, айланма ва “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, ташламаларни бошқариш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг бошқа устувор йўналишларига йўналтирилиши белгиланган.

“Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг экологик хавфсиз ва барқарор иқтисодиётга интилаётганини ҳамда глобал иқлим ўзгаришига қарши курашда фаол иштирок этаётганини яна бир бор исботлайди.





АХБОРОТ ТЎФОНИ — ИНСОН МИЯСИГА ЮКЛАМА

Бундан биров олдин Самарқандда аянчли воқеа юз бериб, ижтимоий тармоқларда бу турли гап — сўзларга сабаб бўлди. Мактаб ўқувчиси бўлган вояга етмаган қизалоқ истироҳат боғидаги чархпалакнинг юқорисидан ўзини ташлаб, жонига қасд қилган ва қиз шу заҳотиёқ вафот этган. Кейин маълум бўлишича, қизалоқ зиёли, ўқимишли оиланинг фарзанди, яхши оилавий муҳитда, катта орзу - ҳаваслар билан улғаяётган — ҳеч қандай муаммоси ҳам, касали ҳам бўлмаган...

Бугун тергов, суд, мажлислар. Бундай воқеалар, яъни турли усулларда ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани ижтимоий тармоқлар сабабли ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Кимдир ўзини томдан ташлайди, кимдир осадди, сувга сакрайди ва ҳоказо.

Бугун ҳеч ким оч қолмаяпти, эгни бут, қорни тўқ, омон-омон замонда яшаймиз. Ўқиш, илм - ҳунар ўрганиш учун имкониятлар етарли. Машаққат, заҳмат чекмасдан ҳам яшаш мумкин. Ҳаракат қилсанг, мақсадга албатта эришсан!

Муаммонинг асл илдизи қерда?

Биз асримизни Ахборот технологиялари асри деб атаб олганмиз. Лекин дунё психологларининг таъкидлашича, СТРЕССлар даврида яшаётган эканмиз. Ахборотлар ҳаддан ташқари кўп. Ахборотни тинмай қабул қилиш ва қайта ишлаш натижасида бу маълумотлар руҳиятимизга босим қилиши мумкин. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали доимий равишда келаётган ахборот оқими нафақат болалар, ёшлар, балки катталарда ҳам тинчланиш, фикрлаш, таҳлил қилиш, саралаш имконини камайтирди. Бунга ўзини мослаштиролмаган кишиларда ички безовталиқ, уйқусизлик, хавотир каби белгилар пайдо бўлади. Бу эса оддий стрессдан тортиб, руҳий ва жисмоний касалликларгача олиб бориши мумкин экан.

Психосоматика: болалар нима учун касал бўлаяпти?

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда болаларда психосоматик касалликлар — яъни руҳий босим туфайли пайдо бўладиган жисмоний аломатлар кўпайган. Бундай ҳолатларда болалар инжик

бўлиб қолади, лекин тиббий текширувларда аниқ сабаб топилмайди. Бош оғриғи, қорин оғриғи, кўнгил айниши, тез-тез касал бўлиш ҳолатлари кўплаб болаларда кузатилаётган. Бу ҳолатларнинг кўпи ўқишдаги босим, уйдаги тортишувлар, жазо, эътибор етишмаслиги ва ишончсиз муҳит билан боғлиқ экан.

Касалликлар кўринишидаги кўп ҳолатлар аслида боланинг ички ҳолатининг сигналидир. Психотерапевт Юлдуз Аҳмедова бу ҳақда шундай дейди:

«Бизга кўп ҳолларда бош оғриғи, қорин оғриғи билан келадиган болаларга аниқ ташхис йўқ. Сухбат давомида аниқланадики, бола ўзига нисбатан юқори талаблар, танқидлар, эътибор етишмаслигидан қийналаяпти. Бу ҳолатни ‘психосоматик оғриқлар’ деймиз. Бу оғриқлар бора — бора болани агрессив, жанжалкаш ёки аксинча, ёпик, зимдан иш битирадиган писмиқ қилиб қўяди. Болаликдан жамиятга, атрофдагиларга нисбатан норозилик кайфияти пайдо бўлади. Бола ҳамма нарсадан ёмонликни кўра бошлайди. Бу яхши ҳолат эмас.»

Психолог ва психиатр — икки хил мутахассис

Кўп ҳолларда жамиятимизда психолог ва психиатр тушунчалари аралашиб кетади. Психолог — бу инсоннинг ҳиссий ҳолати, муаммолари, муносабатлари билан ишлайдиган мутахассис. У касаллик қўймайди, балки сухбат ва методлар орқали инсонга ёрдам беради. Психиатр эса тиббий таълим олган шифокор бўлиб, руҳий касалликларни аниқлайди ва даволайди. Бола ўзи ҳақида сухбатлашишни, тингланишни истайди — бунга психолог ёрдам бериши мумкин. Лекин жамиятимизда психологларга мурожаат қилиш маданияти европадагидек шаклланмаган, — дейди

психолог Гулбахор Маҳмудова — дунё миқёсида бу соҳа жуда ривожланган. Ҳар бир кишининг ўз психологи бор. Болалар психологи, аёллар психологи, оила психологи, уларнинг турлари жуда кўп. Афсуски, бизда бу иккисини (психолог ва психиатр) бир мутахассис деб адаштиришади. Психолог соғлом одамларнинг руҳияти билан ишлайди. Болалар ёки ўсмирлар учун психолог — дўст, сухбатдош, қўллов манбаи бўлиши мумкин. Жамиятда оила устуни бўлган эркаклар, аёллар психологик жиҳатдан соғлом бўлиши керак. Бу психологик соғломлик — жамиятнинг энг катта ютуғи ҳисобланади. Биз психологлар ана шу йўлда ҳизмат қиламиз!.

Кеча:

“Бизни калтаклашган — одам бўлдик!”

Бугун: “Зўравонлик меъёр эмас!”

Катта ёшли инсонлар орасида «бизни уришган, одам бўлдик» деган ибора кўп эшитилади. Афсуски, бу фикр болага нисбатан қўлланган зўравонликни оқлашга ҳизмат қилмоқда. Ўтмишда фарзанд тарбиясида уриш, жазо усуллари ишлатилган бўлиши мумкин, лекин бу доим тўғри натижа бергани йўқ. Ҳозирги болалар ахборотга бой, ҳассос ва тез қабул қилувчан. Уларни уриш эмас, тушуниш, эшитиш ва қўллаб-қувватлаш тарбияда самара беради. Чунки зўравонлик болани итоат қилдириши мумкин, аммо унинг ички дунёсида жараҳат қолдириши аниқ.

Сиёсатшунос Аслиддин Вафоев бу борада жамиятдаги баъзи қарашлар ва стереотипларга эътибор қаратади: «Бизда катта-

ларнинг болага нисбатан қўллайдиган қаттиққўллигини ‘тарбия’ деб аташади. Бу — зўравонликни оқлашдир.

Таъқиқ, калтак, танбех ва ундан келадиган стресслар остида ўсган бола тарбияланган эмас, балки қўрқув билан яшашга мослашган бўлади. Бу эса келажакда унда ҳаётга ишончсизлик уйғотади. Мисол учун айтай: Кўпқаватли уйда яшаймиз. Қўшниларимиз, асосан, ёш оилалар — болалари боғча ёшида. Баъзан қўшниларникидан баланд овозда болаларни уришайётган гап — сўзлар эшитилиб қолади. Катта одамдай болаларга танбех беришади. Улар нимани тушунишарди?

Балким илгарилари калтаклаш бирор натижа бергандир — ҳозир буни замон кўтармайди. Калтакланган боланинг руҳияти — шахсияти синади.

Отам ҳам бирор марта биз фарзандларни калтакламаган, каттиқ гапирмаган. Кўз қарашининг ўзи кифоя эди, биз учун. Ҳозир 2 нафар фарзанд тарбиялаяпмиз, бирор марта уларга қўл кўтармаганман, рафиқамга руҳсат бермаيمان. Урсанг эти, сўксанг бети қотади, деган гап рост. Болани калтаклаш мумкин эмас!”



Стресс оғир касалликларгача олиб бориши мумкин

Соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассисларининг таъкидлашича, узоқ давом этувчи стресс инсоннинг иммун тизимини заифлаштиради, гормонал мувозанатни бузади ва шунингдек, рак каби оғир касалликларнинг ривожланишига шароит яратади. Болаликда бошдан кечирилган рухий босим ва жараҳатлар йиллар ўтиб, катта ёшда турли соматик касалликлар сифатида намоён бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, болаларда стресс омилларини барвақт аниқлаш ва бартараф этиш жуда муҳим.

Тўйиб бўлмас ахборот оқими нафақат катталар, балки болаларнинг ҳам руҳиятини издан чиқарапти. Болалар, айниқса, мактаб ёшидаги фарзандлар ҳар бир эшитган, кўрган ахборотни ўз онгида сақлаб қўяди. Уларда филтрлаш қобилияти, қабул қилинаётган ахборотга нисбатан “иммунитет” йўқ - яхши ёмонни, рост ва ёлгонни ажратолмайди.

Бола тарбияси бугунги кунда нафақат оила, балки жамиятнинг ҳам умумий масъулиятидир. Психологик саводхонликни ошириш, болаларни тинглаш, уларнинг эҳтиёжларини тушуниш ва уларга босимсиз муҳит яратиш келажакда соғлом, бакуват ва эътиборли авлодни шакллантиришга ёрдам беради. Зеро, ҳар бир бола – яширинган иктидор ва эҳтиёж. Уни кўриш, қўллаш ва қўллаб-қувватлаш биз – катталарнинг вазифаси.

Болаларни интернетдан чеклаш керакми?

Айрим қўшни давлатларда болаларни интернетдан ҳимоя қилиш бўйича қатъий қадамлар ташланмоқда. Масалан: Қозоғистонда 18 ёшга тўлмаганларга TikTok, YouTube ва ўйин платформаларида фойдаланиш вақтини чеклаш режалаштирилган. Тожикистонда эса болаларнинг смартфон ва интернетдан фойдаланишига белгиланган соатларда рухсат берилиши кутилмоқда. Бу чекловлар нимани англатади? Бир томондан, болаларни виртуал таҳдидлардан – зўравонлик, ёлгон ахборот, психологик босимдан ҳимоя қилиш. Иккинчи томондан, уларнинг эркинлиги ва ривожланиш имкониятлари чегараланиши мумкин. Биздани? Болалар ижтимоий тармоқлардан қандай фойдаланяпти? Ундан наф кўпроқми, зарарми? Бу саволга ҳар бир ота-она, мактаб ва жамият жавоб бера олиши керак.

Интернет чекланса, яхши бўладими? Ёки ундан фойдаланиш маданиятини шакллантиришимиз керакми? Саволлар жуда кўп, жавоблар эса етарли эмас...

Нима дедингиз?

Гулчехра БЕРДИЁРОВА,
журналист

Муносабат

Инсон қадрини юксалтиришда МУҲИМ ЁНДАШУВ

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юрт тараққиёти, жамият фаровонлиги ва фуқаролар ҳаётини яхшилашга қаратилган. Бекиёс ўзгаришлар нафақат тизимни модернизация қилиш, балки давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни қайта шакллантиришга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу жараёнда давлат бошқаруви фаолиятини очиқлаш, фуқаролар фикрини инобатга олиш ва халқ билан доимий мулоқот механизмларини йўлга қўйиш устувор вазифалардан бирига айланди.

Шу ўринда табиий савол туғилади: Хўш, бугун аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжлари ва долзарб муаммолари ечимига қай даражада эътибор қаратилмоқда? Давлат идораларининг, масъулларнинг фуқаролар муурожаатларига муносабати қандай?

Қайд этиш керак, Президентимизнинг “Ислохот — ислохот учун эмас, инсон учун” тамойили бугунги давлат сиёсатида қарор қабул қилиш мезонига айланган. Ушбу ёндашув инсон қадрини юксалтириш, фуқароларнинг ҳаёт сифати ва фаровонлигини оширишга қаратилган. Лекин ҳар қандай ислохот амалиётга жорий этилганда муайян тўсиқ ва муаммолар билан тўқнаш келиши табиий.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири — халқ билан мулоқотнинг тизимли ва самарадор ташкил этилиши саналади. Муурожаат қилиш имконияти мавжуд бўлиши билан бирга, бу муурожаатларга қандай муносабатда бўлинмоқда, уларнинг ечимидан қандай натижалар олинмоқда — мана шу жиҳатлар асосий мезонга айланиши керак.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2024 йилда Президент Халқ қабулхоналарига 1 миллион 200 мингдан ортиқ муурожаат келиб тушгани аҳоли фаоллигининг, ҳуқуқий маданият ва фуқаролик масъулиятининг ўсиб бораётганини кўрсатади. Бироқ, бу кўрсаткич шу билан бирга, тизимдаги етарли самарадорликка эришилмаганлигини ҳам англатиши мумкин. Чунки, муаммоси тез ва оддий тарзда ҳал

этилган фуқаро қайта муурожаат қилишга муҳтож бўлмайди. Демак, муурожаатлар ортидаги реал сабабларга етарли эътибор қаратиш — муҳим вазифадир.

Аксарият ҳолларда фуқаролар ўз муаммосини аввал маҳаллий даражада — маҳалла, туман ҳокимияти орқали ҳал қилишга уринади. Бироқ, маҳаллий даражадаги масъуллар томонидан ечим топилмаган ҳолатларда муурожаатлар марказий органларга йўналтирилади. Бу эса, айрим ҳолларда, бюрократик тўсиқлар, иш юритишдаги сусткашлик ва фуқаро манфаатларига нисбатан бефарқликнинг мавжудлигидан далолат беради.

Айни пайтда давлат фуқаролар муурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш бўйича турли институтлар фаолияти кучайтирилди: Президент Халқ қабулхоналари, сайёр қабуллар, оммавий эшитувлар, электрон платформалар — буларнинг барчаси фуқароларнинг давлат билан мулоқотини яхшилашга қаратилган. Бироқ бу институтларнинг барча ҳудудларда самарали ишляпти, дея айтолмаймиз. Масалан, айрим туманларда сектор раҳбарларининг аҳоли билан мулоқоти тизимли ва очиқ бўлган ҳолда, бошқа ҳудудларда бу жараён расмийчиликдан узоқ кетмаган.

Муурожаатлар ҳақида сўз кетганда, муҳим жиҳатлардан бири — уларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали тизимли камчиликларни бартараф этиш, олдини олишдир. Чунки ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдири ва давлатга бўлган ишонч ётади. Зеро, Прези-

дентимиз фуқаролар муурожаатларига тўғри ва тезкор жавоб бериш кераклигини кўп бор таъкидлайди. Айниқса, халқнинг муаммоларини эшитиш ва уларга ечим топиш — ҳар бир раҳбарнинг доимий бурчи экани доимий эслатилади.

Шу боис, биз, депутатлар сайловчиларимиз билан мулоқотда бўлиб, уларнинг муаммолари ва таклифларини аниқлаб, давлат идораларига самарали ечимлар таклиф қилишимиз айни муддаодир.

Бинобарин, мулоқотнинг энг муҳим мезони — фуқаро муаммосининг тўлиқ, ўз вақтида ҳал бўлишидир. Бу рақамларда эмас, ҳаётда намоён бўлади. Масалан, ишсиз ёш ишга жойлашса, талабанинг контракт тўлови бўйича енгиллик бериладиган механизм ишласа, ногиронлиги бўлган шахсга муносиб шарт-шароит яратилса — мана шу ҳолатларда давлатнинг фуқаро билан муносабатлари тўғри йўлга қўйилган бўлади.

Халқнинг овозини эшитиш — бу фақатгина муурожаатни қабул қилиш эмас, балки уни англаш, таҳлил қилиш, ечим таклиф этиш ва амалга ошириш тизимини йўлга қўйишдир. Давлат органлари нафақат самарали ишлаши, балки халқ дардини ўз дарди, деб билиши лозим. Зеро, таъсирчан ислохотлар ва барқарор тараққиёт пойдевори — фақатгина ана шу инсоний ёндашувга таянган ҳолдагина мустаҳкам бўлиши мумкин.

Назира МУХТОРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Мехнат, соғлиқни
сақлаш ва ижтимоий масалалар
қўмитаси раиси

Ўзбекистоннинг прагматик сиёсати: МУВОЗАНАТ ҚАНДАЙ УШЛАБ ТУРИЛИБДИ?



Глобал геосиёсий ўйинларнинг қоқ марказида жойлашган Марказий Осиёнинг юраги бўлган Ўзбекистон – барча мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга интиляётган, жаҳон сиёсий сахнасида “нозик мувозанатни ушлаб келаётган ўйинчи” сифатида яққол намоён бўлмоқда.

Икки давр, икки хил манзара

Илгари дипломатик ташрифлар асосан шаклий мақсадларга қаратилган бўларди. Агар Президент бирор мамлакатга борса, унга асосан инвестиция вазири ва уч-тўртта давлат компаниялари вакиллари ҳамроҳлик қиларди. Эркин конвертация йўқлиги масаласи биринчи бўлиб кўтарилар, бу борада ҳеч ким аниқ ҳеч гап айта олмас ва хорижий ҳамкорларнинг ҳам ҳафсаласи пир бўларди.

Олий даражадаги ташрифлар аввалида тўрт-бешта газета-журналларда Ўзбекистон ҳақида мақолалар чоп этилиб, шунчаки имижни оқлашга ҳаракат қилинади.

Музокаралар кўпинча бир томонлама кўринишда бўлар, унда юртимизда бирорта хусусий бизнес иштирок этмасди. Инвестиция, экспорт ёки импорт ҳақида чуқур гап кетмас, бизнес-форумлар ўтказилмас, гапнинг пўсткалласини айтганда, реал инвестициявий натижаларга эришилмасди.

Бугунчи? Ҳозир ташрифларга тизимли ёндашилипти. Жуда катта гуруҳлар, айниқса хусусий компаниялар алоҳида жалб этиляпти. Янги ташқи сиёсатнинг энг муҳим устуворлиги – иқтисодий дипломатия бўлмоқда.

Расмий учрашувларда катта хусусий бизнес делегациялари, йирик инвесторлар, минтақавий компаниялар фаол иштирок этапти. Илгари деярли кўринмаган хусусий сектор – ташқи сиёсатнинг иқтисодий кун тартибида муҳим устунига айланди.

Янги иштирокчилар

Ҳозир камида 15-20 нафар йирик тадбиркорлардан иборат делегациялар жаҳон бўйлаб фаол мулоқот олиб борапти. Улар ташқи иқтисодий алоқаларнинг но-формал элчиларига айланмоқда.

Бу ўзига хос «ижтимоий капитал»нинг шаклланаётганини билдиради. Бунда бизнес дипломатияси, тадбиркорлик салоҳияти ва миллий бренд бир нуктада бирлашмоқда.

Янги сиёсат натижасида ҳар бир

ташриф доирасида икки томонлама бизнес-форум ўтказиляпти, маҳаллий ва хорижий компаниялар ўртасида реал шартномалар имзоланмоқда, инвестиция лойиҳалари сони ва сифати сезиларли ошди, ИТ, “яшил энергетика”, туризм, агросаноат каби соҳаларда янги имкониятлар очилипти.

Ҳар бир ташрифдан кейин қатор лойиҳалар бошланмоқда. Бугунги кунда 100дан ортиқ хорижий давлатлар билан кўп миллиард долларга тенг бўлган ўн мингдан ортиқ фойдали лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, юртимизда ишлаётган инвесторларнинг фаоллиги ошиб, сўнгги икки йилда чет эл капитали иштирокидаги 5,5 мингта янги корхона ташкил этилди. Уларнинг умумий сони 16 мингтага етди.

Халқаро ҳамкорларга хурмат

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида яна бир жиҳат – ҳар бир ташриф, музокара ва учрашувларда кичик деталларга инобатга олинапти.

Ташқи сиёсатимизда ташрифларга, ўзаро муносабатларга, халқаро тадбирларга ниҳоятда юқори даражада тайёргарлик кўриляпти. Кичик масаланинг ўзи йўқ. Авваллари бунга кўп эътибор қилинмасди.

Ҳозир Президент Шавкат Мирзиёев онлайн режимида, жуда мобил тарзда ишлаётганини бутун халқимиз кўриб ва сезиб турибди. Давлат раҳбарининг нутқларини қарасангиз ҳам, ҳар бир халқаро чиқишларини кузатсангиз ҳам бу ҳолат яққол сезилади. Ниҳоятда тезкорлик билан ишланыпти.

Бу ҳам Президентимизнинг ўта талабчанлиги, ҳам халқаро ҳамкорларга нисбатан алоҳида эътиборли, барча давлатлар билан ўзаро ҳурмат руҳида ёндашаётганининг маҳсулидир.

Мувозанатлашган сиёсат: Хитой, Россия, АҚШ билан муносабатлар

Илгари куч марказлари, айниқса, катта давлатлар билан муносабат-

ларда анчайин кийналардик. Ҳаммаси билан масофа сақлаган ҳолда, баъзан манфаат келтириб турса-да воз кечардик. Россиями, Хитойми, АҚШми, борингки, Покистон, Саудия Арабистони ёки Туркиями – уларнинг барчасидан ҳадиксираб, ўзимиздан узоқроқ ушлардик.

Ташқи дунёга нисбатан ялпи ишончсизлик охир-оқибат Ўзбекистонга нисбатан умумий ишончсизликни келтириб чиқарди.

Ҳозир бундай эмас ва Президент Шавкат Мирзиёев барча ҳамкорлар билан яқин муносабатларни йўлга қўя олди. Ишонинг, бу глобал ўйинчилар билан мувозанатлашган сиёсат олиб бориш осон эмас. Уларнинг қайсидир бири билан «ёмонлашиш» қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини бугун ҳамма кўриб турибди.

“Марказий Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон халқаро сиёсий босимлар ўртасида юрибди. Вашингтон, Пекин ва Москвада қабул қилинаётган ҳар бир қарорнинг акс-садоси Тошкентда янграйди”, деди яқинда CNN телеканалининг таниқли муҳбири ва халқаро таҳлилчи Ричард Квест.

Унинг таъкидлашича, геосиёсий ўйиннинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон – барча билан дўстона муносабат ўрнатишга интиляётган давлат сифатида дунё сиёсий сахнасида мувозанатни ушлашга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон раҳбарияти бугунги кунда “ҳеч кимга қарши эмас, барча билан дўст” деган сиёсат юритмоқда.

Квест ўз репортажини тарихий мисол билан якунлайди: Самарқанддаги Регистон майдони Ипак йўли даврида ғоялар ва савдо-лар кесишган марказ бўлган. Бугун эса бу майдон Ўзбекистон ташқи сиёсатининг рамзига айланган – бошқа давлатлар билан дўстлик ва барча манбалардан сармоя қабул қилиш сиёсатининг ифодаси.

Самарқанд – Ўзбекистон дипломатиясининг юрагига айланмоқда

Самарқанд халқаро тадбирлар ўтказиладиган нафақат минтақавий, балки глобал платформага айланди. Бу ерда жуда самарали мулоқот майдони яратилди. Ўзбекистоннинг йирик тадбирлари, халқаро ташкилотларнинг муҳим

ва эътиборли анжуманлари ҳам шу ерда ўтаяпти.

Охирги йилларнинг ўзида Самарқанд бир нечта халқаро – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити, Халқаро туризм ташкилоти Бош ассамблеяси, Парламентларо форумлар ва бошқа тадбирларга мезбонлик қилди. Шу кунларда давлат бошқаруви соҳасидаги энг нуфузли анжуман – БМТ Давлат хизмати форуми (UNPSF 2025) ҳам қадимий шаҳримизда ўтказилади. Илгари тасаввурга ҳам сиғмайдиган, манаман деган халқаро ташкилотларнинг йиллик анжуманлари ўтадиган мулоқот майдонига айланыпти бу маскан.

Мутахассисларга кўра, Самарқандни ҳам худди Нью-Йорк, Лондон, Париж, Дубай, Женева каби жаҳон аҳамиятига молик катта анжуманларга мезбонлик қиладиган марказга айлантириш мақсад қилинган. Бу – Ўзбекистоннинг нуфузини дунёга олиб чиқишга қаратилган жуда катта амбиция. Ўтган даврда зарур инфратузилма, керакли шарт ва шароитлар барчаси яратилди.

Буюк мутафаккир ва уламо Имом Бухорий ҳазратларининг мақбараси атрофидаги улкан мажмуа очилишини эса бутун мусулмон дунёси катта интиқлик билан кутмоқда ва бу йўналиш бўйича ҳали алоҳида мақоламизни эълон қиламиз.

Барчага аёнки, Ўзбекистон тўғридан-тўғри денгизга чиқа олмайди. Лекин бугун мамлакат Буюк Ипак йўлининг янгиланган қуруқлик хабиға айланмоқчи. Қандай қилиб?

Бунда рақамли иқтисодиёт, таълим ва интеллектуал салоҳиятга, меҳнаткаш ва юқори малакали инсон капиталига таяниляпти.

Стратегик транспорт коридорлари – Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўл қурилишига старт берилган, Трансафғон темир йўлини бунёд этиш бўйича йирик сармоядорлар билан фаол музокаралар олиб борилмоқда. Яъни, географик чекловни билим ва технологик салоҳият, модернизация орқали компенсация қилишга ҳаракат қилинмоқда. Бунда фаол, прагматик ташқи сиёсат ҳамда иқтисодий дипломатиянинг ўрни катта бўлмоқда.

Лутфулло ТУРСУНОВ,
журналист

БИР КОНТУР – БИР МАҲСУЛОТ ЮҚОРИ САМАРА БЕРМОҚДА

Қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва қишлоқ аҳолиси даромадини кўпайтириш мақсадида “Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида амалга оширилаётган лойиҳалар мамлакатимизда ижобий натижалар бермоқда.

Дехкон хўжаликлариغا ижарага берилган 1 747 гектар ер майдонида намунали лойиҳаларни амалга ошириш учун “Микрокредитбанк” АТБ томонидан 159 та агрегатор танлаб олинди. Ушбу агрегаторлар томонидан жорий йилда мазкур майдонларда биринчи экинда полиз ва мева-сабзавот экинлари етиштириш учун 4,7 миллиард сўм кредитга талаб аниқланиб, дастлабки босқичларда 2,2 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Сурхондарё вилояти Ангор тумани “Илғор” маҳалласидан ёшларга ижарага берилган 15 гектар ер майдонида қарам экилди. Экин етиштириш “Ризқ Барака Кайран” корхонаси ва ер эгалари ўртасида фьючерс шартномалари асосида амалга оширилмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳар бир ёш йиллик 50 миллион сўм атрофида даромад олиши режалаштирилган.

Шунингдек, “Супер лойиҳа” доирасида

“етиштириш – қайта ишлаш – сотиш”

занжирини яратиш мақсадида 6 та вилоятдаги 232 нафар фуқарога ижарага берилган 100,4 гектар ер майдонида 7 та намунавий лойиҳа шакллантирилиб, тегишли техник-иқтисодий асослар ишлаб чиқилди ва туман ҳокимликлари томонидан тасдиқланди.

Бухоро вилояти Пешку тумани “Садир” маҳалла фуқаролар йиғинида 50 нафар фуқарога (20 сотихдан) ижарага берилган 10 гектар ер майдонида 1,5 миллиард сўм имтиёзли кредит ҳисобига иссиқхона ташкил этилди. “Нодирабегим Шахзодбек Шохижахон” агрегатор корхонаси бошчилигида помидор маҳсулоти экилди. Ҳар бир кооператив аъзоси йиллик 70–80 миллион сўм миқдорида даромад олиши кутилмоқда.



Ҳозирга қадар 6 та лойиҳа бўйича 84,4 гектар ер майдонида Бухоро вилояти Пешку туманида помидор, Ромитан туманида бақлажон, Наманган вилояти Поп туманида тарвуз, Самарқанд вилояти Нарпай туманида сабзи ҳамда Сурхондарё вилояти Ангор туманида қовун ва тарвуз экинлари экилиб, айни пайтда ҳосил йиғилмоқда. Қолган 1 та лойиҳа бўйича Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 15 гектар ер майдонида июль ойида ловия экиш тўлиқ таъминланади.

“Микрокредитбанк” томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган ишлар изчил давом эттирилади.

Банк ахборот хизмати.

ЯНГИЛАНГАН ИҚЛИМ МАЖБУРИЯТЛАРИ ЛОЙИҲАСИ

Ўзбекистон Тошкентда бўлиб ўтган Мувофиқлаштирувчи семинарда янгиланган Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссалар (MMBN yoki NDC3.0) лойиҳасини тақдим этди. Тадбир БМТ Тараққиёт дастурининг “Иқлим ваъдаси – 2-босқич” ташаббуси доирасида ўтказилиб, унда давлат идоралари, илмий ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда иқлим соҳасидаги мутахассислар қатнашди.

Семинар давомида NDC3.0 лойиҳасининг асосий жиҳатлари тақдим этилди. Жумладан, энергетика, саноат, транспорт ва чиқиндиларни бошқариш каби соҳаларда иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш бўйича чоралар муҳокама қилинди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари ва соғлиқни сақлаш соҳаларида иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича устувор йўналишлар кўриб чиқилди.

“Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссаларни янгилаш – бу шунчаки рақамлар ва кўрсат-

кичларни қайта кўриб чиқиш эмас, балки мамлакатимизнинг барқарор келажагига ёнатирилган стратегик қадамдир. Биз Ўзбекистоннинг иқлим сиёсатида илмий асослар билан бир қаторда жамоатчилик фикри ҳам иноватга олинишини истаймиз. Бу жараёнда давлат органларидан тортиб, фуқаролик жамияти ва нодавлат секторгача бўлган барча асосий иштирокчилар жалб қилиниши муҳим”, – дея таъкидлади Иқлим ўзгариши бўйича миллий марказ мутахассислари.



Халқаро миқёсда тобора долзарб аҳамият касб этаётган табиий ечимларни интеграция қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, табиий ечимларнинг кенг миқёсда жорий этилиши 2030-йилга бориб глобал иссиқхона газлари чиқиндиларини зарур даражада 37 фоизгача камайтиришга имкон беради.

Ўзбекистоннинг миллий иқлим мақсадларини янгилаш глобал даражадаги иқлим мажбуриятларини кучайтириш бўйича ҳаракатлар доирасида амалга оширилмоқда. БМТ маълумотларига кўра, 2015-йилда Париж битими имзоланганидан сўнг 150 дан ортиқ давлат ўз миллий ҳиссаларини кучайтирган ёки янгиланган (UNFCCC NDC Registry).

Муҳокамалар давомида иштирокчилар иқлим сиёсатини ишлаб чиқишда гендер ва ижтимоий омилларни ҳисобга олиш зарурлигини таъкидладилар. Хусусан, фуқаролик жамияти институтлари

ва нодавлат нотижорат ташкилотларини (ННТ) иқлим ташаббусларини амалга оширишга, лойиҳаларни мониторинг қилиш, бажариш ва аҳолининг хабардорлигини оширишда фаол жалб этиш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

“Бугунги кунда Ўзбекистон иқлим ислохотларига жиддий еътибор қаратаётганини намён қилмоқда. Иқлим мажбуриятларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, айниқса, энг заиф қатламларни ҳам қамраб оладиган инклюзив ёндашув муҳим аҳамиятга эга. БМТТД Ўзбекистонни барқарор ривожланишга ўтиш жараёнида қўллаб-қувватлашда давом этади”, – дея таъкидлади БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси.

NDC3.0 лойиҳаси келгуси йилларда Ўзбекистоннинг иқлим сиёсатини амалга оширишда асосий ҳужжат бўлади ва мамлакатнинг Париж битими доирасидаги халқаро мажбуриятлари асосида халқаро майдонда тақдим этилади.





200 марта ўқилган китоб

Китоб – фикрлаш қуроли, ҳазиналар қалити, тафаккур манбаи бўлгани учун ҳам халқимиз уни нондай азиз, мўътабар ва муқаддас, деб ҳисоблайди. Китобни чин дилдан қадрлаган Абу Али ибн Сино оғир бетоб бўлган Бухоро ҳукмдори Нух ибн Мансурни даволагач, эвазига олтин у кумушлар тўла сандиқни эмас, балки сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритишни афзал кўрган эди.

А.С.Пушкин дуэelda яраланиб, вафот этар чоғида унга «дўстларингиз билан видолашинг», дейишади. Пушкин хонанинг бир бурчагидаги китоб жавонига термулиб, «хайр, менинг дўстларим», дея жон берган экан.

Ҳақиқатан ҳам, китоб – инсоннинг дўсти, билим манбаи, илм шамчи-роғи, маънавият сарчашмаси. Китобни мутолаа қилиш жараёнининг ўзидаёқ инсоннинг онги ва дунёқараши шаклланиб боради. Уни такрор ва такрор ўқиш давомида эса янги-янги уфқлар кашф этилади, ҳар гал уни қайта мутолаа қилган инсон ундан ўзгача таассуротлар олади. Маълумотларга қараганда, Форобий Арастунинг «Жон ҳақида», деб номланган асарига ўз қўли билан «Мен бу китобни 200 марта ўқидим», деб ёзиб қўйган экан. Китоб онг ва қалб эҳтиёжини қондирувчи омил сифатида инсон руҳини тарбиялайди, шахсни шакллантиради. Китоб одамдан мутолаада нафақат кўз ва ақл, шунингдек, кўнгил ҳам бирдек иштирок этишини талаб қилади. Китоб ўқишдан мақсад ақл-тафаккур билан уни мантикий муҳокама этишигина эмас,

балки чин юракдан завқланиш, таъсирланиш, ўзликни, ҳақиқатни излаб топиш ҳамдир. Файласуф Ян Миндан дўсти сўрабди: «Китоб ўқигандан сўнг ҳеч нарса ёдда қолмаса нима қилмоқ керак?». Ян Мин шундай жавоб берибди: – Уни тушунмоқ керак, ёдлаш шарт эмас. Тушунмоқ зарурияти ҳам иккинчи даражали нарса. Энг аввало, китобнинг асосий моҳиятини англамоқ жоиз.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғат-ит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Носириддин Рабғузийнинг «Қиссайи Рабғузий», Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қатор асарларида китобхонликка оид қимматли маълумотлар берилган. Китобхонлик адабиётшунослик ва таълим-тарбиянинг муштарак ҳамда муҳим соҳаси сифатида, шубҳасиз, чуқур изла-нишларни тақозо этади. Унинг ривожини адабиётнинг тараққиёти билан боғлаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Кишининг маданияти унинг китобида акс этади. Шу маънода бугунги илм-фан мисли кўрилмаган даражада ривож топган даврда китоб

ўқиш ва унга муносабат бир қадар сусайгандек. Чунки ёшлар кўпроқ кино, видео, телевидение, компью-терга берилиб кетган. Чексиз билим-лар моҳияти, асрий сир-синаотлар тилсими ҳозирги даврга келиб ба-шариятга ошкор бўлмоқда. Қадимда китобларни хаттотлар минг бир ма-шакқат билан кўчиришган бўлса, бу-гунги кунда техника ютуқлари ту-файли улар миллионлаб нусхаларда чиқарилиб, бутун дунё бўйлаб тарқа-тилмоқда. Ачинарлиси шундаки, бу-гун китоб ўқиш учун вақт сарфлашга ҳожат йўқдек. Бироқ тезкор замонда ҳаёт кечираётган одамзод шунчалик шошадиган, бетоқат бўлиб қолган-ки, унинг бир муддат хотиржам тин олишга имконияти, энг ёмони, бунга хоҳиши йўқдек кўринади. Инсон-нинг онги фикрлар, маълумотларга тўла, аммо у фикрлашга лаёқатсиз бўлиб бормоқда. Унинг диққати бир жойда жам эмас, шошганидан шо-шадик, китоблар турфа хил ва сон жихатдан кўп бўлгани билан уни мутолаа қилиш, теран фикрлашга фурсати йўқ. Китобнинг ўзини эмас, унинг сюжети, моҳияти тўғрисида-ги қисқагина маълумотларни ўқиш, аниқроғи, кўз юритиш афзал бўлиб қолди.

Китобнинг ҳаётдаги ўрнини аҳо-рот, турли соҳаларга оид керак ва но-керак маълумотлар эгаллаб олди, на-тижада инсонлар тинимсиз ахборот қабул қилишга мослашиб қолмоқда. Ахборот оқими шу қадар шиддатли-

ки, уни қайта ишлашга, фикр юри-тишга деярли улгуриб бўлмайди. Бу борада маърифат фидойиларидан бирининг куюнчаклик билан айтган гапини эслайлик: «Билим деб ҳик-матдан, ахборот деб маърифатдан айрилдик!»

Аслида ҳар бир ахборот манбаи, кино ёки видеофильмни оламизми, бадиий асар ўрнини босолмайди. Масалан: «Ўтган кунлар» романи асосида ишланган фильм қанчалик маҳорат билан суратга олинган бўл-масин, китобнинг таъсирини, жози-басини беролмайди.

Биз руҳиятимиз, ўз оламимиз, қалбимиз билан қайта тил топиш-моқчи эканмиз, китоблар мутолаа-си-га қайтишимиз лозим. Бугунги кунда ҳам ёш авлодни миллий кадриятлар руҳида тарбиялашда китобдан-да қудратлироқ восита йўқдир. Зеро, китоб бизнинг маънавий куёшимиз ва тафаккуримизнинг юксак ҳазина-сидир.

Дилшод НУРМАТОВ,
Жомбой туманидаги
1-сон политехникуми
директори



ОНГ ОСТИДАГИ БИРИНЧИ ПОЙДЕВОР

Онг ҳозир биз билан содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни ўзида мужассам қилади. Бўлиб ўтган ҳар қандай воқеа ва ҳодисалар онг остига боради. Бола туғилиши билан унинг онг ости қопчаси ҳам очилади.

Кечаги ҳаёт онг остига ёзилади. Бундан ташқари, ота-онамиз, аждодларимизнинг маълумотлари (олган қарғишлари, касалликлари ва бошқа кўплаб генетик ахборотлар) ҳам онг остида ётади. Руҳ, онгни бошқариб туради. Бола туғилгандан кейин эса табиат ҳам онгга ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Оддий мисолда бу жараён қандай кечишини кўриб чиқамиз. Онг остига нималар ёзилади? Қатлам қандай қилиб онгга таъсир қилади?

Чақалоқ туғилганда онаси уни қандай қилиб биринчи марта кўлига олди? Бола оилага қувонч олиб келдим ёки мажбур бўлиб дунёга келдим? Шундай ҳис-туйғулар онг остидаги биринчи қатламни ҳосил қилади.

Агар боланинг дунёга келиши унчалик ҳам қутилмаган бўлса, унда онг ости пойдеворини биринчи ғишти кўйилмай, у ер бўшлиқ бўлиб қолади. Шундан сўнг болада ёлғизлик ҳисси пайдо бўлади. Чунки у дунёга келиб, атрофдагилардан меҳр ва ҳимоя кутади. Уни қўлга олиб эркалашмаса, меҳр бериб суюшмаса, у ўзини бу дунёда ёлғиз ҳис қила бошлайди. Бу ёлғизлик ҳиссига кўрқув, ваҳима ҳам кўшилади. Онг остида ана шу ҳиссиётлар ёзилади. Ана шу ҳис-туйғулар биринчи қатламни ҳосил қилади.

Бола йиғи орқали онасидан ўз эҳтиёжини қондиришни ўрганади. Лекин унинг йиғлашига

ҳеч ким аҳамият бермайди. Она болага меҳр билан кўкрак сути бермайди. Сўнг мажбур бўлганидан жahl билан болани овқатлантиради. Бундай пайтда боланинг онги остига бўлаётган воқеалар эмас, бола ҳис этган ҳиссиётлари муҳр бўлиб ёзилади. Энди бола кўрқув ва ваҳима билан ўзини ҳеч кимга керак эмасдек сезади. Бу муҳр мустаҳкамланиб, болага бир умр таъсир қилади. Ана шу ҳислар билан бола икки ёшга киради. У меҳр кўрмай ўсмоқда. Кўрқув билан атрофга қарайди. Ана шу иккита ҳиссиётнинг ўзи болага жуда катта бахтсизликлар олиб келиши мумкин. Боғча ёшига етгандан кейин бу бола шу ҳиссиётлар билан болаларга қўшилади. Бироқ негадир уни ҳеч ким ёқтирмайди. Чунки уни бошидан онаси ёқтирмаган. У ўзини ёлғиз ҳис қилгани учун болалар билан ўйнагиси келади. Болалар ундан юз ўғирмаслиги учун уларга ялинади. Ёлғизлик ҳисси уни шундай қилишга мажбур қилади. Ўзига ишонмаслик, ўзини ҳимоя қила олмаслик, бировларга бўйин эгиш каби салбий ҳислатлар ана шу онг остидаги муҳр билан мустаҳкамланиб боради.

Бола 7 ёшга тўлиб, мактабга чиқади. Энди у болалар билан ўзаро муносабатга киришишдан ташқари, мактабдаги дарсларни ўзлаштириши ҳам керак бўлади. Бола учун энди катта қийинчиликлар даври бошланади. У мактабдаги

ўзига ишонадиган, бировлардан кўрқмайдиган болалардан кўрқади. Ўзини ҳимоя қила олмагани учун кучли болаларга ялинади, уларнинг гапига киради. Унинг ювош ва лапашанглигини билган кучли болалар ундан фойдаланишга тушади. Унга буйруқлар бериб, ишларини қилдиради. Ҳатто устидан кулиб ҳам қўйишади. Руҳ эса боланинг ҳаётида содир бўлаётган бу воқеаларга бефарқ қараб туролмайди. У табиат билан олишиб кетади. Нима учун у бировга бўйсунуши керак? Нима учун у ўзганинг буйруғини бажариши зарур? Табиат эса онг остидаги муҳрни таъкидлайверади. Хуллас, бу кураш, баҳслашиш онг остида давом этаверади. Бу курашга катта энергия сарфланади. “Энергия кетса нима қилибди?” дейсизми? Тўғри савол. Бу энергия боланинг дарс қилиши, янги мавзуларни ўзлаштириши, шеърлар ёдлаши, ижод қилиши ва яна бошқа фойдали нарсаларга сарфланиши керак эди. Бола онги остидаги муҳр энди ўз ҳукмига бўйсундиради. Бола бўйсунувчан. Ахлоқли. Ҳамма болалар билан келишиб кетадиган бўлади. Бундай болалар ҳеч кимга озор бермайди. Лекин дарсларни яхши ўзлаштиролмайди. Чунки унинг мияси ахборотни сақлаб қололмайди. Боланинг ўқиган нарсаси хотирасида чиқиб кетаверади. У болалар билан дўстлашишни жуда яхши кўради. Бироқ унда ёлғизлик ҳисси борлиги туфайли бошқа болалар у билан дўстлашиши қийин кечади.

Озода ТУРМУҲАМЕДОВА
психотерапевт

Халқаро адолат йўлидаги қадам

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштиришга ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқаришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хорижий давлатларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини таъминлаш кафолатларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси томонидан айрим хорижий давлатлар билан озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек, ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсларни мажбурий даволашни давом эттириш учун қабул қилиб олиш ва бериш тўғрисида халқаро шартномалар тузилган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида хорижий давлат судининг қарори тан олинishi ва ижрога қаратилишини, озодликдан маҳрум этилган шахсларни ҳамда ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсларни қабул қилиб олиш ҳамда бериш асосларини, шунингдек суд жараёни иштирокчиларининг процессуал мақомини тартибга солувчи нормаларни назарда тутувчи қоидаларни белгилаш зарурияти юзага келган эди.

Ўзбекистон Республикасининг 04.12.2024 йилдаги “Жиноят-процессуал кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги Қонуни юқоридаги қайд қилинган масалаларга ечим бўлди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси хорижий давлат судининг қарори тан олинishi ва ижрога қаратилишини, озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун қабул қилиб олиш ҳамда хорижий давлатга беришни назарда тутувчи янги 66-боб билан тўлдирилди.

Шунингдек, озодликдан маҳрум этилган шахсларни ва ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсларни қабул қилиб олиш ҳамда бериш асослари, суд жараёни иштирокчиларининг процессуал мақоми белгилаб берилди.

Мазкур Қонун хориждаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари самарали ҳимоя

қилинишини кучайтиришга, миллий қонунчиликда озодликдан маҳрум этилган шахсларни ҳамда ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсларни қабул қилиб олиш ва бериш тартибининг норматив-ҳуқуқий асосини шакллантиришга ҳамда уларга белгиланган жазони ўз давлатида ўташ имкониятини бериш орқали ижтимоий реабилитация қилинишини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Суд қарорларининг ўзаро тан олинishi ва ижро этилиши халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жиноятлар учун жазони мустаҳкамлашда муҳим восита ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу Қонун нафақат жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилади, балки Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий майдондаги иштирокини янги босқичга олиб чиқади.

Р. ҚУВАНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
Жинорий суд ишларини юритишда
прокурор ваколатини таъминлаш
бўлими бошлиғи

МУАССИСЛАР:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Савдо-саноат палатаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-710
Адади: 1600
Пайшанба кун чикади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табак.
Баҳоси келишилган нарҳда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

КОРРУПЦИЯ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХАТАР

Коррупция — бу жамиятдаги ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг бузилишига сабаб бўладиган, мансабдор шахсларнинг шахсий манфаат йўлида қонунларни бузиб ҳаракат қилиши билан боғлиқ иллатдир. Бу иллат нафақат бир шахсга, балки бутун жамиятга жиддий таъсир кўрсатади.

Коррупциянинг шакллари

Коррупция турли кўринишларда намоён бўлади:

- Пора олиш ва бериш — хизмат ёки қарор учун ноқонуний мукофот;
- Мансабдан суистеъмол қилиш — ўз ваколатларини шахсий манфаат учун ишлатиш;
- Қонунларни атайлаб бузиш ёки қонунсиз қарорлар чиқариш;
- Танлов ва тендерларда адолатсизлик — ўзининг ёки танишларининг фирмасини қўллаб-қувватлаш.

Коррупциянинг оқибатлари

Коррупциянинг кенг тарқалиши жамиятда қуйидаги оқибатларга олиб келади:

- Ишончсизлик — фуқароларда давлат органларига бўлган ишонч сусаяди;
- Иқтисодий барқарорликнинг бузилиши — инвестициялар камаяди, тадбиркорлик муҳити ёмонлашади;
- Адолатнинг йўқолиши — ҳақли инсон жазоланиб, айбдор жиноятдан қочиқ қолади;
- Миллий тараққиётга тўсиқ — ислохотлар самара бермайди, ресурслар самарасиз сарфланади.

Коррупцияга қарши кураш йўллари

Коррупцияга қарши кураш мураккаб ва тизимли ёндашувни талаб қилади:

- Қонун устуворлигини таъминлаш — барча учун тенг ва қатъий қонун ижроси;
- Очиқлик ва шаффофлик — давлат харидлари, тендерлар ва қарорлар очиқ бўлиши керак;
- Фуқаролик жамияти ва ОАВ роли — эркин ахборот тарқатилиши ва жамоатчилик назорати;
- Таълим ва тарбия — ёш авлодда ҳалоллик ва адолат тушунчасини мустаҳкамлаш;
- Жавобгарлик ва жазо муқаррарлиги — коррупция қилган ҳар қандай шахс, ким бўлишидан қатъи назар, жазоланиши шарт.

Хулоса

Коррупция — бу фақат бир шахснинг жинояти эмас, балки бутун жамиятни ифлослантирувчи хавфли иллатдир. Унга қарши кураш фақат давлат идораларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг вазифасидир. Фақат биргаликда ҳаракат қилсак, пок жамият ва адолатли давлат қуришимиз мумкин.

Журъат НАФАСОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Қарши туманлараро суди судьяси

ИСЛОМ МЕРОСИНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ ЛОНДОНДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Лондонда муҳим маданий воқеа бўлиб ўтди: Буюк Британияда илк бор Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ, Ислом цивилизациясининг олтин даврларига оид ноёб Қуръон қўлёзмалари ва тарихий артефактлардан иборат коллекция намойиш этилди. Ушбу муқаддас ёдгорликлар йиллар давомида хусусий коллекциялар ва музейларда сақланган, эндиликда улар ўз диёрига – Ўзбекистонга қайтмоқда.



Дунёнинг машҳур Sotheby's ва Christie's аукцион уйлари мезбонлигида ташкил этилган ушбу кўргазмалар 2017-йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясида илгари сурилган ташаббус – Тошкентда Ислом цивилизацияси марказини яратиш бўйича кенг қўлланми лойиҳанинг бир қисмидир. Сўнгги йилларда миллий ва халқаро мутахассислар томонидан йўқолган маданий меросни излаш ва аниқлаш бўйича кенг тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Лондондаги икки кўргазмада илк бор халқаро жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган экспонатлар орасида дунёнинг етакчи олимлари, экспертлари, масъул мутахассислар, машҳур музей ва кутубхоналар вакиллари ва коллекционерлари иштирок этди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу маданий-маърифий мега платформа – Ислом цивилизацияси маркази ташаббусини илгари суриш баробарида шахсан унинг амалга оширилишига бошчилик қилмоқда. Тарихий ва маънавий дурдона-

ларни Ватанга қайтариш бўйича давлатимиз раҳбарининг тўғридан-тўғри топшириғи асосида ушбу кенг қамровли лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу фақат тарихий артефактларнинг қайтиши эмас – бу хотиранинг, миллий ўзликнинг ва Ўзбекистоннинг ислом меросини асрашдаги бетакрор ролини тан олишнинг тимсолидир,» – дея таъкидлади Ислом цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдухаликов кўргазма очилиш маросимида.

Намойиш қилинган нодир артефактлар орасида IX-XIII асрларга оид Қуръон қўлёзмалари саҳифалари, миниатюралар, нафис заргарлик буюмлари, маиший буюмлар, матолар ва санъат асарлари бор. Улар Ўзбекистонни жаҳондаги муҳим интеллектуал марказлардан бири сифатида кўрсатади.

«Ушбу кўргазмалар – Ўзбе-

кистон Президенти шахсий ташаббуси билан амалга оширилган муҳим маданий ҳодиса бўлиб, ёш авлодни илҳомлантиришга қаратилган. Ўз меросини қайтаришга йўналтирилган бундай амалий қадриятлар маданий уйғониш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади», – деди Буюк Британиядаги «Ал-Фурқон» фонди директори Сали Шаҳсавари.


Кўргазмаларда тақдим этилган экспонатларнинг кўпчилиги 2024 йил май ойида Sotheby's ва Christie's аукционларида Ислом цивилизацияси маркази фаолияти доирасида харид қилинган.

Sotheby's савдо уйининг Шарқ мероси бўйича вакили Бенедикт Картер шундай деди:

«Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази билан ҳамкорлик қилиш биз учун катта шарафдир. Марказий Осиё тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган ёдгорликларнинг Ватанга қайтишига кўмаклашганимиздан мамнунмиз.»

Тошкентнинг марказида 10 гектардан ортиқ ҳудудда барпо этилаётган Ислом цивилизацияси маркази минтақадаги энг йирик маданият ва маърифат институтларидан бирига айланмоқда. Унинг экспозиция майдони 8000 квадрат метрдан ошади. Марказ таркибига қуйидаги беш мавзули галерея қиради:

- «Қуръон зали»
- «Исломгача бўлган мерос»
- «Ренессанснинг биринчи ва



иккинчи даврлари»

■ «Янги Ўзбекистон».

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчиси Равшан Усмонов қуйидагиларни таъкидлади:

«Бугун Ўзбекистон ўз тарихий меросини тиклаш ва асраб-авайлаш борасида улкан саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Тошкентдаги Ислом цивилизацияси маркази каби ташаббуслар бу йўлдаги муҳим қадам бўлиб, тез орада у билим ва динлараро мулоқот маёғи сифатида ўз эшиklarини очади. Бу бизнинг тарихий ўз-лигимизни англаш ва уни очик тараннум этишга интилишимизнинг ифодасидир.»

Лондондаги ушбу кўргазмалар нафақат муҳим маданий воқеа, балки тарихий адолатнинг тикланиши ифодаси бўлди. Намойиш этилган экспонатлар Ўзбекистоннинг ислом олами интеллектуал маркази сифатидаги ўрни ва бугунги Янги Ўзбекистоннинг маданий-тарихий меросини асраш, ўрганиш ва тарғиб қилиш йўлидаги навбатдаги ютуқларини амалда исбот этди.

